



POLAND



POLAND

МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЁЗМА ДАЛИЛЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Саидов Сарвар Фахриддин ўғли

Ўзбекистон энергетика

нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси

Республика Кенгаши етакчи юрисконсульти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22644329>

Меҳнат муносабатлари билан боғлиқ фуқаролик суд ишларини кўришда ёзма ва ашёвий далиллар алоҳида ўрин тутди. Ёзма ва ашёвий далиллар меҳнатга оид низоларни судларда кўрилишида энг асосий исботлаш воситаси бўлиб, улар далилларнинг бошқа турларига нисбатан устуворлик касб этади. Кўп ҳолларда меҳнат низоси тарафлари ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, даъвони қўллаб-қувватлаш ҳамда тарафларнинг ўз талабларини асослашларини учун аввало ёзма ва ашёвий далилларни тақдим этишлари лозим бўлади.

Меҳнат низоларини судда кўриш фуқаролик суд ишларини юритишнинг алоҳида тури саналиб, ушбу турдаги низоларни ҳал этишда далиллар масаласи ниҳоятда муҳимдир, чунки уларсиз фуқаролик ишининг бирон бир тоифаси кўриб чиқилмайди ва улардан фойдаланиш фуқаролик иши бўйича асослантирилган суд ҳал қилув қарори чиқариш зарурати билан боғлиқ.

Бугунги кунда кенг тарқалган энг муҳим далиллардан бири ёзма далиллар бўлиб, ёзма далилларни ўрганишда процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш юқори сифатли далилларни олишни кафолатлашга қаратилган бўлиб, улар асосида нафақат тарафлар, балки суд ҳам иш ҳолатлари бўйича қонун ҳужжатлари ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлайдиган ишдаги муайян фактларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида шубҳасиз хулосалар чиқариши мумкин¹.

Меҳнатга оид низоларда далилларни исботлаш жараёнининг босқичи сифатида ўрганиш, унинг чегараларида амалга оширилган кўплаб процессуал ҳаракатлар мавжудлигига қарамай, фуқаролик процессуал назариясида кўпинча далилларни баҳолаш тушунчаси билан белгиланади².

Айрим олимлар далилларни тадқиқ қилиш ва баҳолашни ажратиб кўрсатадилар, далилларни баҳолашнинг кўплаб элементлари

¹ Баширов И.И. Процесс доказывания на различных стадиях гражданского судопроизводства: некоторые проблемы правоприменения // Вестник науки. 2019. - Т. 3. - № 5 (14). - С. 279-282.

² Жиренчин А.К. Оценка письменных доказательств судом по законодательству Республики Казахстан // Вестник Института законодательства и правовой информации РК №1 (59) – 2020. -С.68.



тааллуқлилик, мақбуллик, ишончлилик каби талаблар асосида фуқаролик процессуал назарияси нуқтаи назаридан далилларни ўрганиш сифатида қаралади³.

ФПКнинг 71-моддасига кўра, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далиллардир. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни: тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари) билан аниқланади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарорида кўрсатилишича, ФПКнинг мувофиқ, “иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рақамли, график ёзув шаклида бажарилган, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади”⁵.

Бизнингча, ФПКнинг 84-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган экспертиза натижасида олинadиган ёзма далиллар таърифи ушбу далилларнинг муҳим хусусиятларини акс эттирмайди. Қонун чиқарувчи томонидан фуқаролик процесси иштирокчилари ёзма далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати кўрсатилган.

Далиллар назарияси ва унинг амалиётда қўлланишига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай далиллар тушунчаси мунозарали бўлиб қолмоқда ҳамда сўнгги йилларда муҳим шартлари қуйидагилардан иборат бўлган бир қатор далиллар тушунчасига таърифлар учрайди.

³ Гражданский процесс : учебник / под ред. д-ра юрид. наук, проф. В. В. Молчанова. — Москва : Статут, 2025. — 830 с.-С.365.

⁴ <https://lex.uz/docs/3517337>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>.



POLAND



POLAND

Биринчидан, мазмуни, яъни “алоқадорлик хусусиятига эга тегишли фактлар (юридик, исботлаш) тўғрисидаги маълумотлар;

Иккинчидан, процессуал шакли, ахборот ташувчиси ва уни судга тақдим этиш усули ва учинчидан, далилларни олиш ва текширишнинг маълум процессуал тартибига кўра⁶.

Фуқаролик процессида айниқса меҳнатга оид низоларни ҳал қилишда ёзма далилларни шакллантиришнинг зарурий шарти инсоннинг ўз фикрларини ёзма шаклда ифода этиш қобилияти ҳисобланади. Агар фикрлар ифода этилмаса – ахборот узатиш ҳам мавжуд бўлмайди, бу фактлар тўғрисидаги маълумотларнинг ифода шакли ҳам мавжуд бўлмаслигини назарда тутади⁷.

П.Д.Шкуровнинг таъкидлашича, “ёзма далилларни моддий олам объектларига қайд этилган, замонавий мураккаб техник қурилмалардан фойдаланишни талаб қилмайдиган, маълум бир тизим бўйича шифрланиши керак бўлган белгилар ёрдамида, маълумотлардан иборат деб тушуниш таклиф этилади”⁸. А.О.Худина таъкидлаганидек, “ёзма далил – ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни моддий, ашёвий ёки бошқа воситаларда белгилар шунингдек рақамлар ёрдамида кўпайтиришнинг ўзига хос усуллари билан тавсифланган махсус исботлаш воситасидир”⁹. М.В.Жаботинский ва бошқаларнинг ёзишича, “ёзма далил иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги, матн ёки тасвир мазмунидан идрок этилган, ҳар қандай ташувчида қайд этилган, қонунда белгиланган далилларни тақдим этиш ва текшириш тартибига риоя қилган ҳолда олинган ва текширилган маълумотлардир”¹⁰.

Қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ёзма далилларнинг асосини ҳужжатлар ва уларнинг турлари ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳужжатнинг таркибий қисмларини биринчи навбатда унинг семантик маъноси контекстида кўриб чиқиш керак.

⁶ Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К. Треушникова. 7-е изд., перераб. М.: Издательский Дом «Городец», 2021. - 992 с -С.323.

⁷ Смольников Д.И. Косвенные доказательства в гражданском судопроизводстве России: дис. ... канд. юрид. наук. М.: НИУ ВШЭ, 2015.

⁸ Шкурова П.Д. Письменные доказательства в гражданском и административном судопроизводстве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2019. – 10 с.

⁹ Худина, А. О. Понятие письменных доказательств в гражданском процессе / А. О. Худина, Е. Е. Ягунова. - Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2024. - № 35 (534). - С. 121-124.

¹⁰ Жаботинский М. В., Сапрыгина Н. Е. Понятие письменных доказательств в гражданском и арбитражном процессах: теоретические и практические проблемы // В сборнике: Современная юриспруденция: актуальные вопросы, достижения и инновации.сборник статей XIV Международной научно-практической конференции. Ответственный редактор Г. Ю. Гуляев. 2018. С. 109–112..



Хужжат фактлар, ҳодисалар, объектив воқелик ҳодисалари ва шахсининг ақлий фаолияти ёки маълумотларни ўз ичига олган моддий объект тўғрисидаги тегишли моддий маълумотларни турли йўллар билан мустақамлаш воситаси сифатида тан олинади.

Баъзи олимларнинг фикрича, далилларни ёзма ёки ашёвий турларга ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда уларнинг белгиларини эслаб қолиш керак. Масалан, ашёвий далилларнинг белгилари шундан иборатки, фактлар тўғрисидаги маълумотлар далилларнинг ташқи белгиларида содир бўлади ва ёзма далилларнинг белгилари эса иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг мазмунидан олиними мумкин, бу эса ҳар қандай материалга (қоғоз, мато, териға) ўрнатилган маълум белгилар билан ифодаланади ва уларни ўқиш орқали суд томонидан идрок этилади¹¹.

Далилларни баҳолаш учун далилларни ўрганиш босқичининг аҳамияти шундан иборатки, судьяларнинг ички ишончини шакллантириш иш судга келиб тушган ва далиллар қабул қилинган пайтдан бошлаб дарҳол таъминланади. Далилларни текшириш босқичида уларнинг ҳар бирини батафсил таҳлил қилиш жараёнида суд далилларни бутунлигича баҳолаш ва уларни солиштириш имкониятига эга ва далилларни тан олинган мезонлар бўйича баҳолаш муҳимлиги шундаки суд томонидан ишда мавжуд бўлган далилларни тўғри баҳолаш суднинг асослантирилган ҳал қилув қарори қабул қилиши кафолатлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Баширов И.И. Процесс доказывания на различных стадиях гражданского судопроизводства: некоторые проблемы правоприменения // Вестник науки. 2019. - Т. 3. - № 5 (14). - С. 279-282.
- 2.Жиренчин А.К. Оценка письменных доказательств судом по законодательству Республики Казахстан // Вестник Института законодательства и правовой информации РК №1 (59) – 2020. -С.68.
- 3.Гражданский процесс : учебник / под ред. д-ра юрид. наук, проф. В. В. Молчанова. – Москва: Статут, 2025. – 830 с.-С.365.
- 4.<https://lex.uz/docs/3517337>.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 35-сон

¹¹ Судебная защита гражданских прав: прошлое, настоящее и будущее: сборник статей, посвященный 100-летию со дня рождения доктора юридических наук, профессора Виктора Нифоновича Щеглова / ред. Н.Г. Галковская, Г.Л. Осокина. – Томск: Издательство Томского государственного университета, 2022. – 102 с.



POLAND

CURRENT APPROACHES AND NEW RESEARCH IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



POLAND

қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>.

6.Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К. Треушникова.! 7-е изд., перераб.!- М.: Издательский Дом «Городец», 2021. - 992 с -С.323.

7.Смольников Д.И. Косвенные доказательства в гражданском судопроизводстве России: дис. ... канд. юрид. наук. М.: НИУ ВШЭ, 2015.

8.Шкурова П.Д. Письменные доказательства в гражданском и административном судопроизводстве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2019. – 10 с.

9.Худина, А. О. Понятие письменных доказательств в гражданском процессе / А. О. Худина, Е. Е. Ягунова. - Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2024. - № 35 (534). - С. 121-124.

10.Жаботинский М. В., Сапрыгина Н. Е. Понятие письменных доказательств в гражданском и арбитражном процессах: теоретические и практические проблемы // В сборнике: Современная юриспруденция: актуальные вопросы, достижения и инновации.сборник статей XIV Международной научно-практической конференции. Ответственный редактор Г. Ю. Гуляев. 2018. С. 109-112.

11.Судебная защита гражданских прав: прошлое, настоящее и будущее: сборник статей, посвященный 100-летию со дня рождения доктора юридических наук, профессора Виктора Нифоновича Щеглова / ред. Н.Г. Галковская, Г.Л. Осокина. – Томск: Издательство Томского государственного университета, 2022. – 102 с..